

СУЩЕСТВЕННЫЙ ФАКТ № 06
Решения, принятые высшим органом управления эмитента
Годовое общее собрание акционеров – 17.06.2024г.

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА							
	Полное:				Акционерное общество «Узбекэкспертиза»			
	Сокращенное:				АО «Узбекэкспертиза»			
	Наименование биржевого тикера: *				UZEK			
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ							
	Местонахождение:				г. Ташкент ул. Паркентская, 51			
	Почтовый адрес:				г. Ташкент ул. Паркентская, 51, 100007			
	Адрес электронной почты: *				Info1@expertiza.uz			
	Официальный веб-сайт:*				www.expertiza.uz			
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ							
	Номер существенного факта:				06			
	Наименование существенного факта:				Решения, принятые высшим органом управления эмитента			
	Вид общего собрания:				годовое			
	Дата проведения общего собрания:				17.06.2024г.			
	Дата составления протокола общего собрания:				26.06.2024г.			
	Место проведения общего собрания:				Административное здание АО «Узбекэкспертиза», расположенное по адресу: город Ташкент, Мирзо Улугбекский район, улица Паркентская, 51			
	Кворум общего собрания:				81,89%			
	N	Вопросы, поставленные на голосование			Итоги голосования			
			за		против		воздержались	
			количество	%	количество	%	количество	%
	1.	“Ўзбекэкспертиза” АЖ йиллик умумий йиғилишининг қоидаларини тасдиқлаш;	1 307 432	100%	-	-	-	-
	2.	“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;	1 307 432	100%	-	-	-	-
	3.	“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий – ҳўжалик фаолияти бўйича аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш;	1 307 432	100%	-	-	-	-
	4.	Халқаро Молиявий Ҳисобот Стандартлари (ХМХС)га мувофиқ тайёрланган, 2023 йил якунлари бўйича «Ўзбекэкспертиза» АЖнинг молиявий ҳисоботи бўйича Халқаро Аудит Стандартлари (ХАС)га мувофиқ аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботини тасдиқлаш;	1 307 432	100%	-	-	-	-
	5.	“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботини, баланси, молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;	1 307 432	100%	-	-	-	-
	6.	“Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органининг (Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари) СМК ва	1 307 432	100%	-	-	-	-

	- Тадбиркорларга кўрсатиладиган барча хизматларни ягона дарча тамойили асосида кўрсатиш орқали уларга қулай шароитлар яратиш мақсадида, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармасига тегишли маъмурий биносидида “Сурхондарёэкспертиза” шўъба хўжалик жамияти фаолиятини давом эттириш масаласи кўриб чиқилсин; - Тошкент вилоятидаги “Food City” бозор мажмуаси ҳудудида кўргазма маркази қурилишига “Ўзбекэкспертиза” АЖ молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ўз хиссасини қўшиш масаласи кўриб чиқилсин; - Наманган вилояти, Наманган сити ҳудудида кўргазма маркази қурилишига “Ўзбекэкспертиза” АЖ молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ўз хиссасини қўшиш масаласи кўриб чиқилсин; - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 мартдаги “Ваколатли органларнинг мева-сабзавотлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 175-сон қарори доирасида Агентлик томонидан харажатларни қоплаб бериш тўхтатилганидан сўнг, юқоридаги маҳсулотларга сертификатлар расмийлаштиришга таъсири ўрганиб чиқилсин.
3.	– “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий – хўжалик фаолияти бўйича “Smart audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг мустақил аудиторлик хулосаси <u>2-сонли иловага мувофиқ</u> маълумот учун қабул қилинсин.
4.	– Халқаро Молиявий Ҳисобот Стандарти (ХМХС)га мувофиқ тайёрланган, 2023 йил якунлари бўйича “Ўзбекэкспертиза” АЖ нинг молиявий ҳисоботи бўйича Халқаро Аудит Стандарти (ХАС)га мувофиқ аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи <u>3-сонли иловага мувофиқ</u> маълумот учун қабул қилинсин.
5.	– “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботи, баланси, молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва <u>4-сонли иловага мувофиқ</u> тасдиқлансин; – Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб Солиқ органи тизимида Жамиятнинг фаолияти бўйича бериладиган баҳолаш рейтингини янада юқори даражада сақлаш чоралари кўрилсин.
6.	– “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органининг (Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари) СМК ва (Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари) СЙК бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги тўғрисидаги ҳисоботнинг тасдиқлашини ва 2023 йилнинг 12 ой мобайнида уларнинг бажарилиш кўрсаткичлари бўйича Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи <u>5-сонли иловага мувофиқ</u> маълумот учун қабул қилинсин.
7.	– “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоланиши натижалари бўйича Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи <u>6-сонли иловага мувофиқ</u> маълумот учун қабул қилинсин; – “Ўзбекэкспертиза” АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра йиғган 788 балл юқори деб ҳисоблансин, шу билан бирга, келгуси йилларда янада юқори поғоналарга олиб чиқиш юзасидан тегишли чоралар кўрилсин.
8.	– “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича олган 4 366 250 387,41 сўм миқдоридаги соф фойдасини тақсимлаш тартиби <u>7-сонли иловага мувофиқ</u> , қуйидагича тасдиқлансин: ✓ Дивидендлар тўлаш учун – 2 184 066 720,0 (икки миллиард бир юз саксон тўрт миллион олтмиш олти минг етти юз йигирма) сўм ёки соф фойданинг 50,02 фоизи ; ✓ Захира фондини тўлдириш учун – 219 185 769,41 (икки юз ўн тўққиз миллион бир юз саксон беш минг етти юз олтмиш тўққиз сўм, қирқ бир тийин) ёки соф фойданинг 5,02 фоизи ; ✓ Жамият тараққиёти учун – 1 962 997 898,0 (бир миллиард тўққиз юз олтмиш икки миллион тўққиз юз тўқсон етти минг саккиз юз тўқсон саккиз) сўм ёки соф фойданинг 44,96 фоизи .
9.	– “Ўзбекэкспертиза” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил мобайнидаги фаолияти якуни бўйича ҳисоботи <u>8-сонли иловага мувофиқ</u> маълумот учун қабул қилинсин.
10.	– Уч йилдан ошган, талаб қилиб олинмаган дивидендларни Жамият ихтиёрида қолдириш масаласи <u>9-сонли иловага мувофиқ</u> маълумотлансин; – Эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси ёки меросхўри мавжуд бўлмаган акциядорлар бўйича таҳлиллар ўтказилиб, тегишли таклифлар киритилсин.

11.	– кейинги йиллик умумий йиғилишигача жорий тадбиркорлик фаоляти давомида шартномалар тузилиши мумкин бўлган Жамиятнинг <u>аффилиланган шахслари рўйхати 10-сонли иловага мувофик</u> тасдиқлансин; – жорий тадбиркорлик фаоляти давомида тузиладиган шартномаларнинг чекланган миқдори Жамият соф активларининг 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорида белгилансин.
12.	– Жамиятнинг <u>амалдаги Кузатув кенгаши аъзолари</u> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сонли Фармонида асосан, “Ўзбекэкспертиза” АЖ Кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар 3 (уч) йил муддатга сайлансин: 1. Вахабов Даврон Абдужалолович – тарафдор – 1 307 432 (81,89%)₁ қарши – 0, бетараф – 0; 2. Ахмедов Дилшод Турсункулович – тарафдор – 1 307 432 (81,89%)₁ қарши – 0, бетараф – 0; 3. Абидов Бадриддин Нурутдинович – тарафдор – 1 307 432 (81,89%)₁ қарши – 0, бетараф – 0; 4. Муродов Улуғбек Хошимжонович – тарафдор – 1 307 432 (81,89%)₁ қарши – 0, бетараф – 0; 5. Қараев Феруз Фахриддинович – тарафдор – 1 307 432 (81,89%)₁ қарши – 0, бетараф – 0. – “Ўзбекэкспертиза” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари ушбу баён имзолангандан сўнг ўз вазифаларини зиммасига олади.
13.	– Қонунчиликда ўрнатилган тартибда танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган “FTF-LEA-AUDIT AT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан Жамият ўртасида қонунчиликда ўрнатилган тартибда 2024 йилга мўлжалланган шартнома имзоланиши таъминлансин.
14.	– “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг янги таҳрирдаги Ташкилий тузилмаси 12-сонли иловага мувофик тасдиқлансин; – “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органига, Жамият фаолятида янги хизматлар йўлга қўйилиши ёки мавжуд хизматлар доираси кенгайтирилиши муносабати билан қўшимча ходимлар жалб қилиш зарурияти туғилган тақдирда, юқорида тасдиқланган Ташкилий тузилмада келтирилган штат бирликларининг 20 фоизидан ошмаган миқдорида қўшимча штат бирликлари очишга рухсат берилсин; – “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органи - Бош директор ва унинг ўринбосарларига 100 кунлик синов муддати тайинлансин ҳамда ушбу муддат давомида улар вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлансин; – Бош директор ва унинг ўринбосарларининг синов муддатидаги фаоляти ва KPI кўрсаткичлари баҳоланиб, натижасига кўра белгиланган синов муддати кўриб чиқилсин.